АССОЦИАЦИЯЛАРГА РЕПРЕЗЕНТАТИВ ТИЗИМ МОДАЛЛИКЛАРИ ОРҚАЛИ ЁНДАШУВ

Н.Ҳошимова

Мақолада ассоциацияларнинг индивидуаллигини ифодалайдиган омиллар, хусусан, репрезентатив тизим модалликлари аниқланди. Репрезентатив тизимига асосан ассоциатларнинг уч гуруҳга ажратилиши кўрсатилди.

***Калит сўзлар**: индивидуаллик, визуал, аудиал, кинестетик, шахс омили, ассоциат, модаллик, репрезентатив тизим.*

В статье выявляются факторы, определяющие индивидуальность ассоциаций, в частности, фактор модальности репрезентативной системы. Также освещаются вопросы распределения ассоциативных реакций на три группы по репрезентативной системе.

***Ключевые слова:** индивидуальность, визуальный, аудиальный, кинестатический, фактор личности, ассоциация, модальность, репрезентативная система.*

The article studies the factors, defining the individuality of associations, mainly the factor of modality of the representative system. It classifies the the distribution of associative representation into three groups.

***Key words**: individuality, visual, auditory, kinesthetic, factor of a person, associate, modality, representative system.*

Маълумки, ассоциацияларнинг индивидуаллиги турли омиллар орқали ифодаланади. Жумладан, шахснинг ёши, ижтимоий келиб чиқиши, миллати, касби, жинси, яшаш жойи каби омиллар ҳар қайси шахс ассоциатларининг ўзига хослигини белгилайди.

А.А.Залеская ўз тажрибаларида ***нон*** сўзига рус миллатига мансуб кишиларда ***туз***, французларда ***вино***, ўзбекларда ***чой*** сўзларининг ассоциатив жавоблар эканлигини таъкидлайди [3.54].

А.А.Леонтьев турли касб эгаларининг ассоциатлари ҳам бир-биридан фарқ қилишини айтиб,

бунга мисол қилиб ***қўл*** сўзига бастакор ***майин, равон,*** ҳамшира эса ***ампутация*** ассоциатларини келтирганини таъкидлайди [4.56-57].

Яшаш жойи ҳам ассоциацияларга таъсир этиши мустасно эмас. Бунга мисол қилиб А.А.Леонтьевнинг тадқиқини келтириш мумкин. ***Шингил*** сўзига россиялик ***четан*** дарахтини мисол қилса, тожикистонлик ***узум*** дарахтини белгилайди [4.56-57]. Е.М.Горошко монастир ва қамоқхонадаги кишиларнинг ассоциатларини текшириб, уларнинг оддий кишилар ассоциатларидан сезиларли даражада фарқланишини таъкидлайди [2.87].

Кўриниб турибдики, ассоциациялар тадқиқида юқорида келтирилган барча омиллар ассоциатив жавобларнинг хилма-хиллигини намоён этади. Биз ҳам ассоциатив реакцияларнинг ўзига хослигига эътибор қаратиб, репрезентатив тизим модалликлари ассоциатларнинг турлича бўлиши омили сифатида эътироф этиш мумкинлигини таърифладик [6. 91-93].

Мильтон Эриксон инсон томонидан кўриш, эшитиш, ҳид билиш, маза-таъмни сезиш, тана орқали ҳис қилиш кабиларни репрезентатив тизим деб атади. Ф.Мустафаев ҳар бир инсонда ташқи дунё билан уни боғлайдиган асосий бешта сенсор канал мавжудлигини таъкидлаб, уларни қуйидагича таснифлайди: кўриш, эшитиш, сезиш, таъм билиш ва ҳид билиш. Бу сенсор каналлар онгимиз қабул қилган ахборотни онг остига ўтказади. Онг остида барча каналлардан келган маълумотлар учта тизим асосида таҳлил қилинади [5.45].

Одамлар реперезентатив тизим бўйича аудиалист (эшитиш орқали), визуалист (кўриш орқали), кинестетик (сезиш орқали) каби гуруҳларга бўлинадилар. Визуал тизимидан кўпроқ фойдаланадиган шахслар муайян нарсани эслаб қолишда ва кейинчалик уни қўллашда ўша образни, ҳаракатни ёки воқеани қандайдир ички нигоҳ ёрдамида тассавур қилиб кўради. Аудиал тизимини кўпроқ ишлатадиган шахслар эса, аввало, қандайдир предметни, ҳодисани, у тарқатаётган товушни эшитиб образлар яратади. Кинестетик тизимини ишлатадиган шахслар, асосан, ўша ҳодиса ёки предметни ҳис қилиш орқали сезади ва муносабатини билдиради [5.45].

Ҳар бир кишининг дунёни қабул қилиш жараёнида ушбу органларидан бири етакчилик қилади ва шунга кўра киши визуалист, аудиалист ёки кинестетик деб ҳисобланади.

Оламни сезги аъзолари орқали қабул қилар эканмиз, ҳар қайси шахс маълумотни онгга турли сезги аъзолари орқали юборади ва ўз нерв тизими орқали талқин этади. Шахс визуал, аудиал ва кинестетик форматда маълумотни сақлайди. Маълумотни визуал ёки аудиал шаклида онгимизда сақлар эканмиз, уни визуал ёки аудиал тил орқали ифодалаймиз. Ассоциациялар тадқиқида биз ушбу модалликларга эътибор қаратдик, чунки бу бевосита шахснинг таъриф-тавсифи билан боғланган бўлиб, ассоциацияларни ўрганишга прагматик жиҳатдан ёндашишни ҳам назарда тутади. Ҳар қайси берилган сўзга ассоциатлар кишининг бутун ҳаёт давомида тўплаган тажрибаси орқали ифодаланади. Ҳар бир сўз онгимизда турли вазиятлар, кечинмалар орқали сақланади ва ассоциатив тажрибаларда берилган сўзга ассоциатив реакция ушбу уч репрезентатив тизим орқали юзага келади. Ёшлигида киши уч модалликдан бир хил фойдаланса, улғайган сари битта модалликка таянади. Бундан ташқари, маза-таъмни ва ҳидни сезиш аъзолари орқали маълумот онгга бориши мумкин, лекин ушбу иккита сезги аъзолари мазмуний алоқаларни вужудга келтира олмайди [1.33-35].

Ассоциацияларга репрезентатив тизим таъсирини намойиш этиш учун нейролингвист Б.Боденхамернинг тадқиқотига таяндик ва қуйидаги жадвални мисол тариқасида келтирдик [1.35].

Онгга юбориладиган маълумот	**Маълумотнинг ички намойиши**	**Субъектив тажриба**
Ташқи оламдан маълумот онгга сезги аъзолари орқали боради	Инсон нерв тизимига боради ва талқин этилади	Маълумот олинади
Визуал (кўз орқали)	Тасвир	Тасвир, сурат, шакл
Аудиал (қулоқ орқали)	Товуш	Товуш, шовқин
Кинестетик (бадан, тана орқали)	Сезги	Сезги

Нейролингвистлар аудиал, визуал ва кинестетик сезги аъзолари орқали ифодаланадиган сўзларни ажратади ҳамда уларнинг фреймлари ёки предикатларини ташкил этади. Ушбу предикатларга асосан киши ўзининг нутқи орқали қандай репрезентатив тизимдан фойдаланганини кўрсатади.

Ассоциациялар индивидуаллигини ифодалаш мақсадида биз мазкур предикатларга ёндашган ҳолда ўтказган тажрибада “санъат” архисемаси остида бирлашган сўзларнинг ассоциатларини ифодалашга ҳаракат қилдик.

Тажрибада иштирок этган кишиларнинг умумий сони 80 нафар бўлиб, улар ўзбек тили соҳибларини ташкил этди.

Ўтказилган тажрибаларда визуалистлар кўриш орқали бўлган ассоциатларни белгилашади, масалан, ***театр*** сўзига *бино, чиройли, партер, балкон, артист* кабилар. Аудиалистлар эшитиш орқали бўлган ассоциатларни: ***театр –*** *мусиқа, роль, суфлёр* кабилар. Кинестетиклар сезиш орқали бўлган ассоциатларни келтиришади: ***театр –*** *чиройли, ўйин, ўйнамоқ, яхши, ёмон.*

Масалан, ***мусиқа*** сўзининг баъзи кишилар онгига келган ассоциатлари *мусиқий асбоб, ашулачи* ёки турли товушлар ҳам бўлиши мумкин.

А.Блок ижодида ***мусиқа*** дунёни мантиқий ва ҳиссий акс эттириш, деб тушунилади.

Бунда турли мусиқий асбоблар, терминлар, киши овози чиқарган товушлар билан бирга бир майдонни ҳосил қилади.

Ашулачи сўзига келган ассоциатларни кўриб чиқайлик. *Артист, инсон* ассоциатларини визуал реакцияларга; *микрофон, ёқимли овоз, ёқимли қўшиқ* аудиал реакцияларига; *ҳузур бағишловчи, бечора* сўзларини кинестетик реакцияларига киритишимиз мумкин.

Баланд сўзига *важоҳатли, қўрқинчли, кучли, завқ, қўрқув, қийин* кинестетик реакциялари; *уй, бино* визуал реакциялари; ***бельэтаж*** сўзига *саҳна, уй* каби визуал реакциялар; *эшитмоқ, овоз* аудиал реакцияларини мисол қилиб келтириш мумкин.

Бошловчи сўзига *сухандон, сўзамол, сўз устаси, нутқ* аудиал реакциялари; *тадбир, костюм* визуал реакциялари; *ҳаяжон* кинестетик реакцияси келади.

Масхарабоз сўзига *кулгили одам, қизил юзли одам, қизил бурун, ғалати кийинган одам* визуал реакциялари, *қизиқ, ёқимсиз* каби кинестетик реакциялар вужудга келади.

Кўриниб турибдики, ассоциатив тажрибалар жараёнида текширилаётган кишилар тавсия этилган сўзларга турли ассоциатив жавоблар беради. Ушбу жавобларнинг турлилиги ҳар қайси сўзга тааллуқли вазият ёки кечинма репрезентатив тизим модалликлари орқали ифодаланади. Ассоциациялар индивидуаллигида нейролисоний омилларнинг ҳам муҳимлиги диққатга сазовор масалалардан бири бўлиб келмоқда.

Адабиётлар:

1. Боденхамер Б., Холл М. The Complete Vannual For Neuro-Linguistic Programming Practitioner Certification.- Санкт-Петербург, 2003.- 373 с.

2. Горошко Е.И. Интегративная модель свободного ассоциативного эксперимента. (монография). - М.- Харьков: Ра-Каравелла, 2006.- 320 с.

3. Леонтьев А.А. Межкультурный аспект проблемы ассоциаций. // Словарь ассоциативных норм русского языка.- М.: МГУ, 1977.- С.46-52.

4. Леонтьев А.А. Общие сведения об ассоциациях и ассоциативных нормах // Словарь ассоциативных норм русского языка.- М.: МГУ, 1977.- С.56-57

5. Мустафаев Ф. Суҳбатдошни сирли бошқариш.- Фарғона, 2005.- 63 б.

6. Хошимова Н.А.Прагматические аспекты при исследовании ассоциаций. // Вестник Московского государственного областного университета.- 2011.- №6.- С.91-93

Фарғона давлат университети,
2017 йил 6 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Ш.Искандарова)